

МАСБУҚҚА ИҚТИДО ҚИЛИШ

16:32 / 27.04.2016 2741

2278. Ҳайъатга жаноб Аҳмаддан қуйидаги савол тақдим этилди: Бир киши масжидга кириб имомга икки ракат ёки ундан оз ёхуд кўп ўтгандан кейин иқтидо қилган одамни кўрди. Ўша мабуқ имом салом бергандан кейин ўзи ета олмай қолган ракатларни ўқиётган экан. Янги келган одам унга иқтидо қилди. Масбуққа иқтидо қилган намозхоннинг намози дуруст бўладими?

Ҳайъат қуйидаги жавобни берди:

Фуқаҳолар жумҳури иқтидо қилган шахс имомга айланиши жоиз эмаслигини айтганлар. Шунга биноан янги келган одамнинг масбуққа иқтидо қилиши жоиз эмас.

Мажмуъатул фатавои шаръийя. 8-жуз. 54-бет.